

## **“Ўзстандарт” агентлиги ва тизим ташкилотларида коррупцияга қарши курашиш ҳамда унинг олдини олиш чоралари кўрилмоқда**

Фуқаролар ва тадбиркорларга хизматлар кўрсатиш жараёнида коррупцион хавф хатарларни олдини олиш мақсадида “Ўзстандарт” агентлиги томонидан 2021 йил 1- чораги давомида бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди, жумладан:

- коррупция содир этилишига имкон бериши мумкин бўлган сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш мақсадида соҳага оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлил қилинди ва тизимда коррупцион ҳолатлар келиб чиқишига шароит яратиб бераётган нормаларни аниқлаш ва бартараф этиш чораларини кўриш мақсадида коррупцияга қарши экспертизадан ўтказилиши зарур бўлган амалдаги 7 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати тайёрланди ва таклифлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига киритилди;

- тизим ташкилотлари томонидан хизматларни кўрсатишда коррупция ҳолатларига қарши курашиш тизими мониторинг қилинди ва такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрланиб Бош прокуратурага киритилди;

- ходимлар орасида хизмат мавқеини суистеъмол қилиш, коррупция ва бошқа салбий иллатларга йўл қўймаслик, турли ножўя ҳатти-ҳаракатлар содир этилишининг олдини олиш мақсадида 2021 йил 24 март куни “Ўзстандарт” агентлиги ва тизим ташкилотлари вакиллари иштирокида “Коррупцияга қаршимиз” шиори остида давра суҳбати ўтказилиб, профилактик тадбир амалга оширилди;

- Агентлик тизим ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган хизматларни оптималлаштириш, инсон омилини қисқартириш ҳамда шаффофликни таъминлаш мақсадида ахборот тизимлари жорий қилинмоқда ва такомиллаштирилмоқда, жумладан хизматлар кўрсатиш жараёнларини тўлиқ электрон шаклга ўтказиш чоралари кўрилди, стандартлаштириш хизматларини рақамлаштириш бўйича «Е-Стандарт», метрология хизматларини рақамлаштириш бўйича «Е-Метрология» ахборот тизимлари яратилиб ишга туширилди ва тегишли электрон ҳукумат ахборот тизимларига интеграция қилинди.

“UzTest” ДУКнинг сертификатлаштириш хизматларидан фойдаланадиган жисмоний ва юридик шахслар маҳсулотлар ва сифат тизимларини сертификатлаштириш ҳамда маҳсулотларни синаш хизматлари учун тўловларни “PayMe” иловаси орқали амалга ошириши имконияти яратилди.

Электрон давлат реестрида кенг қамровли қидирув тизими ва хизматлар нархини буюртма беришдан аввал ҳисоблаш тизими

(калькулятор) ишлаб чиқилиб, [akkred.uz](http://akkred.uz) электрон манзилида ишга туширилди.

Стандартлаштириш хизматлари учун тўловларни масофадан туриб амалга ошириш ахборот тизими ишлаб чиқилди ва тегишли биллинг тизимларига интеграция қилиш чоралари кўрилмоқда.

Сифатсиз хавфли маҳсулотлар ҳамда уларнинг коррупцион йўллар билан чет давлатлардан Республикамизга кириб келишининг олдини олиш мақсадида, махсус портал яратилиб, [control.standart.uz](http://control.standart.uz) электрон манзилида ишга туширилди ва Давлат божхона кўмитаси билан интеграция қилинди. Мазкур манзилга талабларга жавоб бермайдиган сифатсиз маҳсулотлар тўғрисида маълумотлар жойлаштирилиб борилмоқда;

- Хизматдан фойдалангандан сўнг мижознинг қониққанлик даражасини аниқлаш мақсадида <https://www.standart.uz/> веб сайтида «Ўзстандарт» агентлиги давлат хизматлари ҳақида фикрингизни билдириш руқни, «Ўзбекистон миллий метрология институти» ДКнинг веб сайтида «Кўрсатилган хизматдан мамнунликни баҳолаш» саҳифаси ([nim.uz/kontaktlar/-ko%ca%bbrsatilgan-xizmatdan-mamnunlikni-baholash/](http://nim.uz/kontaktlar/-ko%ca%bbrsatilgan-xizmatdan-mamnunlikni-baholash/)), Аккредитация маркази ДУКнинг веб сайтида «Қониққанлик даражасини баҳолаш» саҳифаси (<https://akkred.uz/satisfaction-rating>) ташкил этилди ва баҳолаш тизими жорий қилинди.

Мазкур тизимлар орқали бугунги кунгача Агентлик ва тизим ташкилотлари томонидан кўрсатилаётган хизматлар 1677 та фуқаролар томонидан баҳоланган.

- Агентликнинг расмий ишонч телефонлари, ижтимоий тармоқлардаги расмий саҳифалари орқали коррупция ҳолатлари бўйича хабар бериш имкониятини доимий ёритиб бориш мақсадида Ўзбекистон миллий матбуот марказининг телеграм ижтимоий тармоғидаги расмий каналида ҳамда Агентликнинг Facebook ижтимоий тармоғидаги саҳифасида ва телеграм ижтимоий тармоғидаги расмий каналида фуқаролар ва тадбиркорлар учун Сертификатлаштириш, стандартлаштириш, метрология ҳамда мувофиқликни баҳолаш органларини аккредитациядан ўтказиш хизматларидан фойдаланиш жараёнида коррупция ҳолатларига дуч келганда «Ўзстандарт» агентлигининг [www.standart.uz](http://www.standart.uz) расмий веб сайти ҳамда ижтимоий тармоқлардаги [www.facebook.com/uzstandard](https://www.facebook.com/uzstandard), [www.instagram.com/uz-standard/](https://www.instagram.com/uz-standard/), [twitter.com/Uzstandard](https://twitter.com/Uzstandard), саҳифалари ҳамда 78-150-23-00 рақамли ишонч телефони орқали хабар бериш имкониятлари мавжудлиги тўғрисида эълон бериб борилмоқда.

- Даврий равишда онлайн очик ва аноним сўровлар ўтказилмоқда, жумладан «Ўзбекистон миллий метрология институти» ДКнинг

<http://nim.uz> веб сайтыда “Коррупцияга қарши сўровномада иштирок этиш” рукни яратилиб ишга туширилган. Аккредитация маркази ДУК томонидан 2021 йил 1-чорак давомида 53 та фуқаро билан марказ фаолияти ва ташкил этилаётган ўқув курслари бўйича аноним сўровнома ўтказилган ва натижалари таҳлил қилинган.

- Амалдаги стандартлар талабларига жавоб бермайдиган сифатсиз хавфли маҳсулотлар тўғрисида "Ўзбекистон 24" ва "Ўзбекистон" телеканаллари билан ҳамкорликда махсус кўрсатув таёрланди ҳамда 2021 йил 5 ва 9 апрель кунлари эфирга узатилди.

Мазкур йўналишда Агентликнинг Facebook ижтимоий тармоғидаги саҳифасида ва телеграм ижтимоий тармоғидаги расмий каналида кунлик тезкор маълумотлар бериб борилиши йўлга қўйилди.

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида “Ўзстандарт” агентлиги томонидан 2021 йил 29 январь, 22,24 февраль, 22,31 март кунлари, Аккредитация маркази ДУК томонидан 2021 йил 2 март куни матбуот анжуманлари ўтказилди ва соҳадаги муаммолар муҳокама қилинди.

- Аккредитация жараёнига жалб қилинадиган техник мутахассислар сонини кўпайтириш орқали уларнинг танловини кенгайтириш мақсадида Аккредитация маркази ДУК томонидан 83 та ташқи мутахассис аккредитация жараёнига техник экспертлар сифатида жалб этилган ҳамда улар бўйича Реестр ва картотекалар юритилган. Бу билан аккредитация жараёнига жалб этилган ташқи мутахассисларнинг сони 53 % га ўсиши таъминланди (2020 йилда 54 та эксперт жалб этилган).

Агентлик ва унинг тизим ташкилотларида Коррупцияга қарши курашиш “комплаенс назорат” тизими доимий мониторинг қилиниб, мониторинг натижаси асосида “Йўл харитаси”нинг ижроси юзасидан ҳисобот расмийлаштирилиб тегишли органларга тақдим этилмоқда.